

ГЛУКОКОРТИКОИДЛАРНИ СУЯК ТИЗИМИГА КУРСУТАДИГАН НОЖУЯ ТАЪСИРЛАРИ.

Субхонова Мохигул Гайрат кизи

Тошкент Тиббиёт Академияси Термиз филиали

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6979194>

Хозирги кунда глюкокортикостероидлар турли хил касалликлар учун замонавий терапия воситалари сифатида киритилган. Улар аутоиммун жараён-ларни даволаш, орган патологияси, нафас олиш, ошқозон-ичак тракти, трансплантология, онкология ва бошка сохаларда фаол кулланилади. Ривожланган мамлакатларнинг катта ёшли аҳолиси орасида 0,5-1% и ГКСларни систематик равишда қабул қилган. Беморларнинг аксарияти қиска муддатли курсларда ГКС билан даволанади. Аммо беморларнинг 22%да терапия 6 ойдан кўпроқ, 4%ида эса 5йилдан ортиқ давом этади.

ГКСларни терапевтик таъсирдан ташқари ножуя таъсирлари ҳам мавжуд. Улар орасида суяклар зарарланиши (остеопороз, асептик некроз) кўп кузатилади. Суяк туқимасида бутун умр давомида емирилиш ва қайта ҳосил бўлиш жараёнлари содир бўлиб туради. Эскирган остеонлар остеокластлар томонидан емирилади ва сурилади(resorptia-сурилиш) Улар урнига остеобласт хужайралари ёрдамида янги остеонлар ҳосил бўлади. Суяк резорбцияси суяк шаклланишидан ошса негатив баланс ҳосил бўлади ва суяк массаси қамаяди. ГКС суяк шаклланишини сусайтиради ва суяк резорбциясини кучайтиради.

Суяк шаклланишини сусайтиришда ГКС бир нечта механизмлар орқали таъсир қилади. Биринчидан-ГКС остеобластлар дифференциациясини ва активлигини сусайтиради. Иккинчидан-ГКС суяк матрицаси компонентлари остеобластлар(1-тип коллаген ва остеокалцин) синтез қилувчи генлар транскрипциясини бошқаради.Учинчидан-ГКС остеобластлар синтезига

таъсир қилувчи қўлаб маҳаллий омилларга уз таъсирини курсатади: интерлейкин 1 ва 6, ушш омиллари, айниқса инсулинга сезгир

усиш омили(IGF) . ГКС остеобластлар ва остеоситлар апоптозини юзага келтиради ва суяк туқимаси хужайраларини емирувчи остеокластлар умрини узайтиради. Бундан ташқари ГКС ичаклардан Са абсорбциясини сусайтиради ва Са ни сийдик орқали экскретсиясини кучайтиради.

ГКС терапиянинг энг куп учрайдиган нохуш асорати бу- остеопороздир.

ГКСлар таъсирида пайдо булган остеопороз иккиламчи остеопорознинг энг кенг тарқалган ва дори таъсирида пайдо булган остеопорознинг асосий курунишидир. Суякларнинг асептик некрози узок муддатли ГКС билан даволаниш натижасида ёки катта дозада киска муддат кабулдан кейин хам ривожланади. ГКС билан даволашни фақат ГКС терапиясининг барча ижобий ва салбий томонларини хар томонлама баҳолаш ва унинг мумкин булган оқибатлари тугрисида бемор билан жиддий суҳбатлашгандан сунг бошлаш мумкин.